

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

ХУДАЙБЕРДИЕВ У., БАБАНАЗАРОВА С.

**«С Т А Т И С Т И К А»
фанидан**

**«АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ» мавзусини янги
педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш
бўйича**

Ўқув-услубий қўлланма

САМАРҚАНД -2017

Худайбердиев У., Бабаназарова С. «Статистика» фанидан «Аҳоли статистикаси» мавзусини янги педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш бўйича. Ўқув-услубий қўлланма. СамИСИ. 2017. 58 – бет.

Тақризчилар: и.ф.д. проф. Пардаев М.Қ. (СамИСИ)
и.ф.н. Исломов Ш. (СамҚХИ)

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада “Статистика” фанининг муҳим мавзуси “Аҳоли статистикаси” бўйича кенгроқ маълумотлар берилган бўлиб, унда аҳоли сони, унинг таркиби, аҳоли таркибий ва механик ҳаракати, мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлари, аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашиши каби саволларга тўлиқ, шу билан бирга содда ва тушунарли тарзда жавоб ёзилган. Ўқув-услубий қўлланма институт барча йўналиш бакалаврларига мўлжалланган. Ундан коллеж ўқувчилари ва мавзуга қизиқувчилар ҳам фойдаланса бўлади.

КИРИШ

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2016 йил –тасдиқланган “Статистика” фани дастури 2-бўлимдан иборат. II – бўлим “Иқтисодий статистика” деб номланган бўлиб, унда “Аҳоли статистикаси” мавзуси муҳим ўринга эга. Бу мавзуда аҳоли сони, таркиби, табиий ва механик ҳаракати, аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашиши каби саволлар ўрганилади.

Аҳоли сони, унинг ҳаракати ва ҳудудлар бўйича жойланиши муҳим кўрсаткичлар бўлиб, жуда кўп микро даражадаги (корхоналар ташкил этиш, мактабгача ва мактаб таълим муассасаларини ташкил этиш ва шу кабилар) ва макро даражадаги (ялпи ички маҳсулот, миллий бойлик, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва шу кабилар) кўрсаткичлар уларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам талабалар бу мавзунини чуқур ўрганиб, ҳар бир саволнинг мазмунини тўлиқ тушуниб олишлари лозим.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма “Статистика” фанини ўрганувчи қуйидаги таълим йўналиш талабаларга мўлжалланган:

- 5340100 “Иқтисодиёт (Тармоқлар ва соҳалар бўйича)”
- 5230200 “Менежмент (Туризм)”
- 5230400 “Маркетинг (Туризм)”
- 5230900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (Тармоқлар бўйича)”
- 5230700 “Банк иши”
- 5230600 “Молия”
- 5610200 “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш”
- 5140901 “Касб таълими (Ижтимоий-иқтисодий соҳа)”
- 5610300 “Туризм (Фаолият йўналишлар бўйича)”

Ушбу қўлланма бошқа талабалар, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари учун ҳам фойдалидир.

ҲУРМАТЛИ ТАЛАБАЛАРГА ЭСЛАТМА.

Талаба мавзуларни яхши ўзлаштириши учун маърузани яхши тинглаб, мавзу саволлари моҳиятига тушуниб, асосий жойларини конспект қилиши лозим. Кейинчалик бу мавзу саволларини ўқув адабиётларидан ўрганиб тўлиқ ўзлаштиради.

Ҳар бир амалий дарсга мавзунини яхши ўқиб, назарий жиҳатдан яхши тайёрланиб келинг. Тайёрланиш жараёнида саволлар пайдо бўлса, уни ёзиб қўйинг. Бу саволларни дарс бошланишидан олдин аниқлаштириб оласиз.

Ўртоқларингиз жавоб бераётганда яхшилаб тинглаб, уларнинг сўзлари нотўғри ёки бошқача бўлса ҳам сўзини бўлмаг. Кейин сўз олиб гапирасиз.

Гапираётганларингизда мавзу ёки савол бўйича қисқа ва содда қилиб сўзланг, чунки бошқа ўртоқларингиз ҳам жавоб беришга (гапиришга) улгурсин.

Мисолларни ечишда тўрт амал (қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш) бажаришга эмас, балки уларни бажариб, қандай кўрсаткични ҳисоблаётганингизни ва уларнинг моҳиятига аҳамият беринг.

Дарс давомида мисол ва масалалар ечиб, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича хулосалар қилишга ўрганинг.

МАВЗУ	«АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ»
--------------	-----------------------------

Маърузани ўқитиш технологияси

<i>Вақт - 2 соат</i>	<i>Тингловчилар сони: 80-100 та</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машғулоти
<i>Маъруза режаси</i>	1. Аҳоли сони ва уларнинг ўртачасини ҳисоблаш. 2. Аҳоли таркиби статистикаси 3. Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари статистикаси
<i>Маърузанинг мақсади:</i> Аҳоли статистикаси, аҳоли сони таркиби мамлакат ҳудуди бўйича жойлашиши унинг табиий ва механик ҳаракати, никоҳдан ўтиш ва ажралиш кўрсаткичлари тўғрисидаги билимларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифа:</i> - аҳоли сони ва таркиби кўрсаткичлари бўйича тушунчалар бериш; - доимий ва мавжуд аҳоли сони, улар орасидаги боғланишни тушунтириш; - аҳоли сонини баҳолаш, ўртача аҳоли сонини ҳисоблаш усуллари билан таништириш; - аҳоли сони динамикаси кўрсаткичларини изоҳлаб бериш; - аҳолини ҳудудлар бўйича жойлашишига изоҳ бериш; - аҳолининг табиий ва механик ҳаракати ҳақида тушунча бериш; - аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши ҳақида сўзлаб бериш; - туғилиш ва вафот этишнинг	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> - аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганишни биладилар; - доимий ва мавжуд аҳоли сони, улар орасидаги боғланиш борлигини тушунтириб берадилар; - аҳоли сонини баҳолаш, ўртача аҳоли сонини ҳисоблаш усуллари билан танишадилар; - аҳоли сони динамикаси кўрсаткичларини изоҳлаб берадилар; - аҳолини ҳудудлар бўйича жойлашишига характеристика берадилар; - аҳолининг табиий ва механик ҳаракати ҳақида тушунчага эга бўладилар; - аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши ҳақида биладилар; - туғилиш ва вафот этишнинг умумий ва махсус коэффициентларини тасвирлаб беради; - ҳозирги кундаги аҳоли механик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб берадилар;

умумий ва махсус коэффицентларига таъриф бериш; -ҳозирги кундаги аҳоли механик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб бериш; -никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичларини таърифлаб бериш.	- Никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичлари таърифлаб берадилар.
<i>Ўқитишнинг усули ва техникаси</i>	Визуал-маъруза, «ақлий хужум», Блиц-сўров, Мунозара усули;
<i>Ўқитиш воситаси</i>	Маъруза матни, слайдлар, проектор, диаграмма ва графиклар.
<i>Ўқитишнинг шакли</i>	Жамоавий, гуруҳий
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Маъруза ўқиш учун керакли техник воситалар билан таъминланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол –жавоб, блиц-сўров.

Ахборотли маърузанинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1-босқич. Тайёргарлик (5 мин.)	1.1.Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.	Эшитади ва ёзиб олади.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш. (10 мин.)	2.1. Талабаларга асосий калит сўзларни беради ва уларнинг тушунчаларини сўрайди (1-илова) 2.2. Қўйида келтирилганлар бўйича асосий тушунчаларни муҳокама қилади. -Аҳоли статистикасини асосий вазифалари нималардан иборат. -Аҳолини ўртача йиллик сонини ҳисоблаш. -Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати кўрсаткичлари. 2.3.Мавзу бўйича диққатни жалб қилувчи саволлар билан мурожаат этади,	Талабалар жуфт-жуфт бўлишиб, муҳокама қилишади ва саволларга жавоб беришади.

	жуфт бўлиб, мустақил ўйлаб жавоб беришни маслаҳат қилади (2-илова) Баҳолаш мезони ҳақида айтиб ўтади.(3-илова)	
3-босқич. Асосий қисм (55 мин)	3.1. Визуал материаллар ёрдамида маърузани режа асосида ўқийди (4-илова) 3.2. Ҳар бир режа бўйича асосий тушунчаларни беради (5-илова) . 3.3.Таҳлил қилинади. Хулоса қилинади. блиц-сўров ўтказди. (6-Илова)	Эшитади, ёзади ва саволлар беришади.
4-босқич. Якунловчи (10 мин.)	4.1.Маърузага якун ясайди. 4.2. Амалий машғулот учун назорат саволлари берилади. 5та савол.	Эшитишади ва ёзишади.

1–Илова

Калит тушунчалар

1. Ўртача умр	8. Шаҳар аҳолиси
2. Аҳоли миграцияси	9. Қишлоқ аҳолиси
3. Аҳоли таркиби	10. Аҳолининг ўртача сони
4. Аҳолининг жинсий таркиби	11. Аҳолининг ёш структураси
5. Ёш структураси	12. Аҳолининг оилавий аҳволи
6. Аҳолининг жойлашиши	13. Аҳолининг истиқболдаги сони
7. Аҳоли зичлиги	14. Ёшини силжитиш

2–Илова

Мунозара учун Маъруза мавзулари.

1. Аҳоли сони ва таркибини ўрганиш.
2. Аҳолининг табиий ҳаракатини статистик ўрганиш.
3. Аҳолининг механик ҳаракатини статистик ўрганиш.
4. Аҳолининг табиий ҳаракатидаги ўзгаришлар.
5. Аҳолининг оилавий ҳолатини статистик ўрганиш.
- 6.Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг МДҲ мамлакатларига миграциясининг ижтимоий-иқтисодий натижаларини статистик баҳолаш.

3–Илова

Мунозарада иштирок этувчиларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балларда)	Иштирок этувчилар Маърузачилар(ФИО)			
	1	2	3	4
1. Маъруза мазмуни (60): – мавзуга мослиги (30); – кетма кетлиги, мантикий очиб бериши (15); - хулосанинг аниқлиги(15)				
2. Ахборот етказиш воситаларидан фойдаланганлиги (20)				
3. Регламентга риоя қилганлиги (20)				
Жами: (максимал 100)				

4-илова

Мавзу: Аҳоли статистикаси

Режа:

Аҳоли сони ва уларнинг ўртачасини ҳисоблаш.

Аҳоли таркиби статистикаси

Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари статистикаси

5-илова

Аҳоли сони муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Мамлакат ёки ҳудуд аҳолисининг аниқ (реал) сони ёппасига тўлиқ рўйхатдан ўтказилганда аниқланади. Лекин ёппасига рўйхатдан ўтказиш яхши тайёргарлик, кўп вақт ва катта маблағни талаб қилади. Шунинг учун ҳам БМТ статистик ҳайъати уни ҳар ўн (10) йилда бир марта ўтказишни тавсия қилган. Ўзбекистон аҳолиси 2011 йил апрел ойида танлаб кузатиш йўли билан аниқланди. Ўзбекистон аҳолисининг сони мунтазам кўпайиш тенденциясига эга.

Аҳолининг сонини ҳисоблашда ва рўйхатга олиш жараёнида доимий ва мавжуд аҳоли, вақтинча йўқлар ва вақтинча яшовчилар сонини ҳисобга олиш зарур

*Мавжуд аҳоли (МА) деб рўйхатга олиш вақтида (пайтда) шу жойда бўлган аҳоли сонига айтилади. Лекин аҳолини рўйхатга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктидан бошқа жойларга вақтинчалик турли сабаблар билан кетганлар (6 ойдан озроқ муддатга) бўлиши мумкин. Бундай аҳолилар **вақтинчалик йўқлар (ВЙ)** дейилади ва рўйхатга олишда улар шу пункт **доимий аҳоли (ДА)** сонига қўшилади.*

$$\mathbf{MA=DA+VB-VY}$$

Доимий аҳоли (ДА) деганда аҳоли пунктида доимий яшайдиган (6 ойдан кўпроқ муддат яшайдиган) аҳоли сони тушунилади.

Мавжуд аҳолига (МА) рўйхатга олиш пайтида ушбу пунктда **вақтинча йўқ (ВЙ)** аҳоли сонини қўшиб, бу пунктда **вақтинча бўлганлар (ВБ)** сонини чиқариб ташласак, шу пунктда доимий яшайдиган аҳоли сонини аниқлаймиз:

$$ДА = МА + ВЙ - ВБ.$$

Аҳолининг ўртача сони маълумотлар қандай бўлишига қараб, бир неча усулларда аниқланиши мумкин.

1. Агарда фақат аҳоли сонининг икки даврга маълумотлари мавжуд бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони оддий арифметик ўртача формуласи бўйича ҳисобланади.

$$\bar{A} = \frac{A_1 + A_2}{n}$$

2. Агар аҳоли сони ҳар ой бошига берилган бўлса, бунда аҳолининг ўртача сонини хронологик усул билан аниқланади.

$$A = \frac{\frac{A_1}{2} + A_2 + A_3 + \dots + \frac{A_n}{2}}{n-1}$$

3. Агарда аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар маълум давр мобайнида тенг бўлмаган интервалларда маълум бўлса, унда аҳолининг ўртача сони ўртача тортишган хронологик тарзда ҳисобланади.

$$A = \frac{\sum A \cdot t}{\sum t},$$

бу ерда t вақт оралиғи.

Аҳоли статистикасининг вазифаларидан бири, унинг таркибини ҳам ўрганишдир. Аҳолининг таркиби қуйидаги белгилари бўйича ўрганилади:

- **умумдемографик белгилар (жинси, ёши, oilавий ҳолати),**
- **миллий тавсифи бўйича (миллати, она тили);**
- **аҳолининг маданий – маърифий даражасини тавсифловчи белгилар бўйича (маълумот ва шу кабилар);**
- **аҳолининг ижтимоий таркибини тавсифловчи ва бошқа белгилари бўйича.**

Статистика аҳолининг ёшини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганади:

- ✓ *3 ёшгача;*
- ✓ *3 ёшдан 7 ёшгача;*
- ✓ *мактаб ёшидагилар (7-17 ёш);*
- ✓ *18 ва ундан катта ёшдаги аҳоли;*
- ✓ *нафақахўрлар (55 ва ундан юқори ёшли аёллар, 60 ва ундан юқори ёшли эркаклар).*

Статистикада никоҳдан ўтганлар ва никоҳдан ажралишлар коэффициентлари ҳисобланади:

* Никоҳдан ўтганлар коэффициенти (N_k) никоҳдан ўтганлар сонини (НЎ) 1000 га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

$$N_k = \frac{\text{никоҳдан ўтганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

* Никоҳдан ажралишлар коэффициенти (A_k) никоҳдан ажралганлар сонини 1000 га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

$$A_k = \frac{\text{никоҳдан ажрашганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Аҳолининг табиий ҳаракати туғилиш ва ўлишга боғлиқ. Шунинг учун статистика туғилиш ва ўлишни қайд қилиб боради. Бунда:

- * **туғилиш коэффициенти,**
- * **болалар ўлими коэффициенти,**
- * **табиий ўсиш коэффициенти** каби кўрсаткичлар ҳисобланади.

Туғилиш коэффициенти (T_k) ушбу даврда туғилганлар сонини 1000га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлиш билан топилади.

$$T_k = \frac{\text{туғилганлар сони} \times 1000}{\text{аҳолининг ўртача йиллик сони}}$$

Ўлим коэффициенти ўлганлар сонини 1000 кўпайтириб аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиб топилади.

$$O_k = \frac{\text{ўлганлар сони} \times 1000}{\text{аҳолининг ўртача йиллик сони}}$$

Аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти табиий ўсиш бўлган аҳоли сонини (туғилганлар сонидан – ўлганлар сонининг фарқи) 1000 кўпайтириб, аҳоли ўртача сонига бўлиб топилади.

$$TO_k = \frac{(\text{туғилганлар} - \text{ўлганлар сони}) \times 1000}{\text{аҳолининг ўртача йиллик сони}}$$

Аҳолининг ҳаётийлиги коэффициенти туғилганлар сонини шу даврда ўлганлар сонига нисбати билан топилади. Бу кўрсаткич туғилганлар ўлганлардан неча баравар кўп деган саволга жавоб беради.

$$H_k = \frac{\text{туғилганлар сони}}{\text{ўлганлар сони}}$$

Агар $1 \leq 0$ ўзгаришсиз ёки камайиш,

Агар $1 \geq 0$ ўзгаришсиз ёки кўпайиш.

Келганлар коэффициенти (Kk_k) бошқа жойлардан ушбу аҳоли пунктига доимий яшаш учун кўчиб келганлар сонини 1000 кўпайтириб, аҳоли ўртача сонига бўламиз.

$$Kk_k = \frac{\text{кўчиб келганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Кетганлар коэффициенти (Kt_k) – ушбу аҳоли пунктидан бошқа жойга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сонини 1000 га кўпайтириб аҳолининг ўртача сонига бўламиз.

$$Kt_k = \frac{\text{кўчиб кетганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Ўзбекистон Республикасининг аҳолисининг жинси бўйича таркиби

(минг киши)*

Йиллар	Аҳоли (ҳарбий қисмларсиз)			% да	
	Иккала жинс	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
1865	3320	1789	1531	53,89	46,11
1897	3948	2045	1903	51,80	48,20
1917	4486	2423	2063	54,01	45,99
1926	4660	2470	2190	53,00	47,00
1939	6440	3323	3117	51,60	48,40
1940	6551	3387	3164	51,70	48,30
1945	5107	-	-	-	-
1959	8119	3897	4222	48,00	52,00
1970	11800	5744	6056	48,68	51,32
1979	15389	7556	7833	49,10	50,90
1989	19785	9771	10014	49,39	50,61
1990	20227	9996	10231	49,42	50,58
1991	20607,6	10188,1	10419,6	49,44	50,56
1992	21106,2	10443,8	10662,4	49,48	50,52
1993	21602,1	10695,1	10907	49,51	50,49
1994	22091,8	10948	11143,8	49,56	50,44

1995	22461,6	11135,2	11326,4	49,57	50,43
1996	22906,5	11370,8	11535,7	49,64	50,36
1997	23348,7	11600,9	11747,8	49,69	50,31
1998	23772,3	11819,8	11952,4	49,72	50,28
1999	24135,6	12008,1	12127,4	49,75	50,25
2000	24487,7	12193,3	12294,4	49,79	50,21
2001	24813,1	12363,9	12449,2	49,83	50,17
2002	25115,8	12521,1	12594,7	49,85	50,15
2003	25427,9	12684,5	12743,4	49,88	50,12
2004	25707,4	12831,4	12876,1	49,91	50,09
2005	26021,4	12993,6	13027,7	49,93	50,07
2006	26312,7	13145,1	13167,6	49,96	50,04
2007	26663,8	13325,6	13338,2	49,98	50,02
2008	27072,2	13535,3	13536,9	50,00	50,00

* Жадвал И.Р. Мулладжанов “Демографические развития Узбекской ССР”. (Ташкент, “Узбекистан”, 1983, стр. 121,171); “Народное хозяйство Уз ССР 1972 год”. (Ташкент, “Узбекистан”, 1973, стр. 10); Демографический ежегодник ССР. (М., “Статистика”, 1990, стр. 39); “Численность населения Республики Узбекистан”. (Ташкент, “Госкомбашоратстат”, 1995, стр 63-65); Демографический ежегодник Узбекистана 2008. – Ташкент, 2009. – С.172-174, Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2008. – Ташкент, 2009. – С.96 ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ҳудудлар бўйича жойлашиши

(минг киши)

Вилоятлар	2001 й	2006 й	2011 й	2016 й	Ўсиш даражаси 2001 йилга нисбатан(%)
Қорақалпоғистон Республикаси	1527.0	1571.9	1680.9	1791.1	117.29
Андижон	2216.5	2375.9	2672.3	2910.5	131.31
Бухоро	1437.7	1525.9	1683.8	1815.2	126.26
Жиззах	991.5	1051.4	1166.7	1276.1	128.70
Қашқадарё	2212.5	2420.4	2722.9	3025.6	136.75
Навоий	791.1	812.7	873.0	927.9	117.29

Наманган	1953.2	2103.6	2379.5	2603.4	133.29
Самарқанд	2710.0	2907.5	3270.8	3583.9	132.25
Сурхондарё	1770.4	1925.1	2175.1	2411.5	136.21
Сирдарё	649.9	676.9	727.2	790.6	121.65
Тошкент	2370.2	2468.0	2644.4	2794.1	117.88
Фарғона	2697.5	2878.9	3229.2	3505.3	129.95
Хоразм	1347.7	1453.9	1601.1	1746.9	129.62
Тошкент шаҳри	2137.9	2140.6	2296.5	2393.2	111.94
Ўзбекистон Республикаси	24813.4	26312.7	29123.4	31575.3	127.25

**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисining ҳудудлар
бўйича таркиби**

(минг киши)

Вилоятлар	2016 й	Ҳудудлар бўйича салмоғи
Қорақалпоғистон Республикаси	1791,1	5,67
Андижон	2910,5	9,22
Бухоро	1815,2	5,75
Жиззах	1276,1	4,04
Қашқадарё	3025,6	9,58
Навоий	927,9	2,94
Наманган	2603,4	8,25
Самарқанд	3583,9	11,35
Сурхондарё	2411,5	7,64
Сирдарё	790,6	2,50
Тошкент	2794,1	8,85
Фарғона	3505,3	11,10
Хоразм	1746,9	5,53
Тошкент шаҳри	2393,2	7,58
Ўзбекистон Республикаси	31575,3	100,00

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ҳаракати
Ўзбекистон Республикасида туғилганлар сони
(йилларда туғилганлар сони, киши)

Вилоятлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан(%)
Қорақалпоғистон Республикаси	36408	32456	37942	41345	113,56
Андижон	43897	47522	59953	69562	158,46
Бухоро	28618	30119	34597	39352	137,51
Жиззах	24049	24157	25942	31887	132,59
Қашқадарё	57681	53317	63861	78543	136,17
Навоий	15305	16230	18409	20259	132,37
Наманган	40772	42309	50799	61980	152,02
Самарқанд	61266	63147	75213	88649	144,6953
Сурхондарё	44834	41847	51103	64424	143,69
Сирдарё	14315	14365	16260	17862	124,78
Тошкент	43820	46335	54830	58692	133,94
Фарғона	53168	56701	70622	79241	149,04
Хоразм	32114	31362	35965	39543	123,13
Тошкент шаҳри	31333	33663	39314	42802	136,60
Ўзбекистон Республикаси	527580	533530	634810	734141	139,15

Ўзбекистон Республикасида ўлганлар сони
(йилларда ўлганлар сони, киши)

Вилоятлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й
Қорақалпоғистон Республикаси	8496	9199	8342	8094
Андижон	11513	12213	12862	14860
Бухоро	6731	6864	7383	7976
Жиззах	4308	4459	4440	5348
Қашқадарё	9641	9938	10271	11954
Навоий	4225	4328	3984	4110
Наманган	9879	10210	10553	12236
Самарқанд	14223	14469	14262	15895
Сурхондарё	8158	8259	8446	9887

Сирдарё	3524	3716	3449	3786
Тошкент	15307	16771	15385	16251
Фарғона	14389	14941	15870	17437
Хоразм	6959	6671	7022	7855
Тошкент шаҳри	18245	18547	16142	16346
Ўзбекистон Республикаси	135598	140585	138411	152035

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг механик ҳаракати

Ўзбекистон Республикасига кўчиб келганлар

(йилларда кўчиб келганлар сони, киши)

Вилоятлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан(%)
Қорақалпоғистон Республикаси	12927	12783	14275	10850	83,93
Андижон	6113	4751	5737	6452	105,54
Бухоро	6126	3965	4244	6497	106,05
Жиззах	6231	7312	7950	8323	133,57
Қашқадарё	11750	8323	10077	11598	98,71
Навоий	11247	12043	11442	11752	104,49
Наманган	4258	3190	4393	4628	108,69
Самарқанд	9891	10814	12332	10709	108,27
Сурхондарё	11122	10684	11600	11748	105,63
Сирдарё	7789	6349	6708	6804	87,35
Тошкент	23639	23232	15467	18575	78,58
Фарғона	12804	12984	12747	12241	95,60
Хоразм	7182	6433	7239	6542	91,09
Тошкент шаҳри	14801	21915	15564	12561	84,87
Ўзбекистон Республикаси	145880	144778	138077	139280	95,48

Ўзбекистон Республикасида кўчиб кетганлар

(йилларда кўчиб кетганлар сони, киши)

Вилоятлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан(%)
Қорақалпоғистон Республикаси	16846	34106	26971	16181	96,05
Андижон	8193	6854	6296	7947	96,99
Бухоро	9642	8888	6929	8069	83,68
Жиззах	9296	18911	11174	8912	95,87
Қашқадарё	14098	9838	10894	11489	81,49
Навоий	14497	21435	13719	13235	91,29
Наманган	6203	4916	5099	5192	83,70
Самарқанд	17219	19090	15371	14266	82,85
Сурхондарё	14034	14041	12742	13027	92,82
Сирдарё	10879	12267	8758	7314	67,23
Тошкент	32143	37131	27547	25189	78,36
Фарғона	18532	16798	14052	13673	73,78
Хоразм	8565	9981	8315	6975	81,44
Тошкент шаҳри	32325	32130	15991	17110	52,93
Ўзбекистон Республикаси	212472	246386	183858	168579	79,34

Ўзбекистон Республикасида тузилган никоҳлар сони

(мингта)

Вилоятлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	Ўртача
Қорақалпоғистон Республикаси	11,4	9,7	17,8	13,8	13,17
Андижон	13,6	15,8	27,9	28,3	21,4
Бухоро	11,1	11,9	18,3	16,3	14,4
Жиззах	6,3	7,5	10,9	11,3	9
Қашқадарё	16,1	16	26,7	31,3	22,52
Навоий	6,1	7,2	9,6	9	7,97
Наманган	12,8	15	23,7	24,7	19,05
Самарқанд	19,2	20	36,3	33,9	27,35

Сурхондарё	11,3	11,6	22,3	23,3	17,12
Сирдарё	4,3	4,4	7	7,2	5,72
Тошкент	14,6	17,6	24,2	22,4	19,7
Фарғона	17	21,1	33,4	30,9	25,6
Хоразм	10,6	11,2	15,3	16,2	13,3
Тошкент шаҳри	14,5	15	18,9	19	16,85
Ўзбекистон Республикаси	168,9	184	292,3	287,6	233,2

Ўзбекистон Республикасида ажрашишлар сони

(мингта)

Вилоятлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	Ўртача
Қорақалпоғистон Республикаси	0,6	0,5	0,9	1,1	0,775
Андижон	1,1	0,7	1,4	2,8	1,5
Бухоро	1,2	1	0,9	1,8	1,225
Жиззах	0,7	0,5	0,5	0,8	0,625
Қашқадарё	0,6	0,9	0,8	1,7	1
Навоий	1,1	0,8	0,5	1,1	0,875
Наманган	1,2	1,2	1,7	2,1	1,55
Самарқанд	1,8	1,6	1,9	3,1	2,1
Сурхондарё	0,9	0,7	0,5	1,5	0,9
Сирдарё	0,6	0,6	0,6	0,8	0,65
Тошкент	2,6	2,2	2,2	3,6	2,65
Фарғона	2,2	1,1	1,5	3,1	1,975
Хоразм	0,7	0,7	0,9	1	0,825
Тошкент шаҳри	4,6	3,9	3,5	5,1	4,275
Ўзбекистон Республикаси	19,9	16,4	17,8	29,6	20,925

6-илова

Мавзу бўйича блиц-сўров саволлари:

- 1. Аҳолининг табиий ҳаракатига нималар киради?**
- 2. Аҳолининг маҳаник ҳаракати деб нимага айтилади?**
- 3. Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли ҳаракатида қандай ўзгаришлар бўлмоқда?**

Мавзу. АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ

Режа:

1. Аҳоли сони ва уларнинг ўртачасини ҳисоблаш.
2. Аҳоли таркиби статистикаси
3. Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари статистикаси

1. Аҳоли сони ва уларнинг ўртачасини ҳисоблаш

Жамият — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол қилувчилар яъни аҳоли сони ва таркибига боғлиқ. Ўзбекистон аҳолиси йилдан — йилга юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳоли сони ва таркибини ўрганишнинг асосий усули рўйхатга олишдир. Аҳолини рўйхатга олиш уларни бир вақтда ёппасига (тўлиқ) кузатиш усули бўлиб, натижада аҳолининг сони, уларнинг жинси, ёши, миллати, маълумоти ва бошқа хусусиятлари бўйича таркибини аниқлашга имконият яратади.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш — уларнинг ҳар бирини ҳисобга олиш бўлиб, жуда катта куч ва маблағ, ҳамда тайёргарликни талаб этади. Шунинг учун ҳам аҳолини рўйхатга олиш маълум муддатларда, кўпинча ҳукумат қарорларига асосан ўтказилади. Собиқ СССР пайтида аҳоли рўйхати бир неча бор ўтказилган. Аҳоли рўйхати кейинги йилларда 1970 йил 15 январ, 1979 йилларда бўлиб ўтган, Ўзбекистонда охириги марта аҳолини рўйхатга олиш 1989 йил бўлган еди.

2011-йил апрел ойида аҳоли сони танлаб кузатиш йўли билан аниқланди. Республика аҳолиси йилдан — йилга юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2000-йилда Республикамиз аҳолиси 24487.7 минг кишини ташкил етган бўлса, бу кўрсаткич 2014-йилга келиб 30492.8 минг кишини, 2016 йилда эса 31575.3 минг кишини ташкил етган. Демак Ўзбекистон аҳолиси мунтазам равишда ўсиш (кўпайиш) тенденциясига (трендига) эга.

Ўзбекистон аҳолисининг юқори суръатлар билан кўпайишига туғилишнинг юқорилиги, ўлимнинг камайганлиги, никоҳнинг кўплиги, оиланинг мустаҳкамлиги каби омиллар таъсир қилади.

Аҳолининг сонини ҳисоблашда ва рўйхатга олиш жараёнида доимий ва мавжуд аҳоли, вақтинча йўқлар ва вақтинча яшовчилар сонини ҳисобга олиш зарур.

Мавжуд аҳоли деб рўйхатга олиш вақтида (пайтда) шу жойда бўлган аҳоли сонига айтилади. Лекин аҳолини рўйхатга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктидан бошқа жойларга вақтинчалик турли сабаблар билан кетганлар (6 ойдан озроқ муддатга) бўлиши мумкин. Бундай аҳолилар вақтинчалик йўқлар дейилади ва рўйхатга олишда улар шу пункт доимий аҳоли сонига қўшилади.

$$МА = ДА + ВБ - ВЙ$$

Худди шундай аҳолини рўйхатга олишда, мазкур пунктда вақтинчалик бўлиб турганлар ҳам бўлиши мумкин (хизмат сафарида, меҳмонда ва бошқа сабаблар билан). Улар рўйхатга олишда бор бўлиб, мавжуд аҳоли сонига қўшилади, лекин шу пунктда доимий яшайдиган аҳоли сонига қўшилмайди.

Доимий аҳоли деганда аҳоли пунктида доимий яшайдиган (6 ойдан кўпроқ муддат яшайдиган) аҳоли сони тушунилади. Демак, аҳоли рўйхатини олаётган пайтида, доимий яшайдиган аҳолининг маълум қисми, ушбу пунктда вақтинчалик йўқ бўлиши мумкин. Шу вақтнинг ўзида ушбу пунктда рўйхатга олиш пайтида вақтинча яшаётганлар ҳам бўлиши мумкин.

Мавжуд аҳолига (МА) рўйхатга олиш пайтида ушбу пунктда вақтинча йўқ (ВЙ) аҳоли сонини қўшиб, бу пунктда вақтинча бўлганлар (ВБ) сонини чиқариб ташласак, шу пунктда доимий яшайдиган (ДЯ) аҳоли сонини аниқлаймиз:

$$ДЯ = МА + ВЙ - ВБ.$$

Статистика бўйича аниқланган, доимий яшовчи ва мавжуд аҳоли сонлари халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш истикболларини белгилашда, ҳамда аҳоли ҳаракати сабабларини (айниқса вақтинча йўқлар ва вақтинча бўлганлар сони) ўрганишда катта аҳамиятга эга. Худуддаги доимий аҳоли сонига қараб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини, ўқув юртларини ташкил қилишни режалаштириш мумкин. Мавжуд аҳоли сонини, уларни озиқ-овқат ва бошқа товарлар билан таъминлашда, транспорт тармоқларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлади.

Албатта аҳоли сони муҳим кўрсаткич бўлиб, бошқа жуда кўп иқтисодий – ижтимоий кўрсаткичларни ҳисоблашда қўлланилади. Масалан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, касалхоналарнинг мавжудлиги, ҳар 1000 кишига олий, ўрта

махсус маълумотли мутахассисларнинг тўғри келиши ва ҳоказо. Лекин аҳоли сони кўпинча йил бошидаги санага ёки маълум даврларга берилади. Статистик маълумотлар маълум даврларга ҳисоблангани учун, аҳолининг ўртача сони асосида аниқланади. Аҳолининг ўртача сони маълумотлар қандай бўлишига қараб, бир неча усулларда аниқланиши мумкин.

1. Агарда фақат аҳоли сонининг икки даврга маълумотлари мавжуд бўлса, у ҳолда аҳолининг ўртача сони оддий арифметик ўртача формуласи бўйича ҳисобланади.

$$\bar{A} = \frac{A_1 + A_2}{n}$$

Масалан, Ўзбекистон аҳолиси 2012 йил бошига 29555,4минг киши, 2013 йил бошига эса 29993,5 минг кишини ташкил етган. Демак, Республика аҳолисининг 2012 йилда ўртача сонини топиш учун

$$A = \frac{29555,4 + 29993,5}{2} = 29774,5 \text{ минг киши бўлган.}$$

2. Агар аҳоли сони ҳар ой бошига берилган бўлса, бунда аҳолининг ўртача сонини хронологик усул билан аниқланади.

$$A = \frac{\frac{A_1}{2} + A_2 + A_3 + \dots + \frac{A_n}{2}}{n - 1}$$

Масалан, мазкур туманда аҳоли сони бўйича қўйидаги маълумотлар мавжуд:

Аҳоли сони минг киши	Саналар
120,0	1,01 20_йил
120,5	1,02
120,8	1,03
121,0	1,04
120,4	1,05
119,6	1,06
120,4	1,07
121,2	1,08
121,8	1,09
122,0	1,10
122,6	1,11
122,4	1,12
123,0	1,01 20_йил

$$A = \frac{\frac{120}{2} + 120,5 + 120,8 + 121 + 120,4 + 119,6 + 120,4 + 121,2 + 121,8 + 122 + 122,6 + 122,4 + \frac{123}{2}}{13-1} =$$

$$= 121,2 \text{ минг. киши}$$

3. Агарда аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар маълум давр мобайнида тенг бўлмаган интервалларда маълум бўлса, унда аҳолининг ўртача сони ўртача тортилган (ваззли арифметик) тарзда ҳисобланади.

$$A = \frac{\sum A \cdot t}{\sum t}; \text{ бу ерда } t \text{ вақт оралиғи.}$$

Масалан: Аҳоли сони 2011 йил 1 январга → 120,0 минг киши, 1 майга → 120,4 минг киши, 1 августга → 121,2 минг киши ва 2012 йил 1 январга → 123,0 минг киши бўлсин. Бундай маълумотлар билан аҳолининг ўртача сони қўйидагича ҳисобланади:

$$A = \frac{120,0 + 120,4}{2} = 120,2 \text{ минг киши; давр муддати} = 4 \text{ ой;}$$

Шундай тарзда бошқа ойлар бўйича ҳам аниқлаймиз.
Ўртача аҳоли сони:

$$A = \frac{(120,2 \times 4) + (120,8 \times 3) + (122,1 \times 5)}{4 + 3 + 5} = \frac{1453,77}{12} = 121, \text{ минг киши.}$$

2. Аҳоли таркиби статистикаси

Аҳолининг умумий сони муҳим статистик кўрсаткич бўлиб, жуда кўп иқтисодий жараёнларда фойдаланилади. Лекин аҳоли статистикасининг вазифаларидан бири, унинг таркибини ҳам ўрганишдир. Аҳолининг таркиби қўйидаги белгилари бўйича ўрганилади: умумдемографик белгилар (жинси, ёши, оилавий ҳолати), миллий тавсифи бўйича (миллати, она тили); аҳолининг маданий – маърифий даражасини тавсифловчи белгилар бўйича

маълумот ва шу кабилар); аҳолининг ижтимоий таркибини тавсифловчи ва бошқа белгилари бўйича.

Умуман статистика янги туғилган чақалоқлар орасида, ўғил болалар кўпроқ туғилишини кўрсатади. Лекин улар улғая борган сари, ўзаро тенглашиб боради. Аҳолининг жинсий таркибига жамиятда бўлган турли хил жараёнлар ҳам таъсир этади. Иккинчи жаҳон уруши таъсири натижасида 1959 йилда Республика аҳолиси таркибининг 48% ни эркаклар; 52% ни аёллар ташкил етган. Кейинги йиллар бу нисбатлар бараварлашмоқда. Ҳозирги вақтда аҳоли таркибида эркаклар- 50,1% ни, аёллар – 49.9 % ни ташкил этади.

Статистика аҳолининг ёшини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганади:

3 ёшгача; 3 ёшдан 7 ёшгача; мактаб ёшидагилар (7-17 ёш); 18 ва ундан катта ёшдаги аҳоли; нафақахўрлар (55 ва ундан юқори ёшли аёллар, 60 ва ундан юқори ёшли эркаклар).

Республикамиз аҳолисининг 2/3 қисмини болалар ва ёшлар ташкил этади. Бу маълумотлар мамлакатимиз жуда катта меҳнат потенциалига эга эканлигини ва у йилдан – йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатади.

Аҳолининг оилавий ҳолати қайд қилинган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони билан тавсифланади. Ўзбекистон жаҳонда энг юқори никоҳ даражаси ва оила ажралишининг энг паст даражаси кузатилган мамлакатлардан биридир. Статистикада никоҳдан ўтганлар ва никоҳдан ажралишлар коэффициентлари ҳисобланади. Никоҳдан ўтганлар коэффициенти (N_k) никоҳдан ўтганлар сонини ($N_{\text{Ў}}$) 1000 га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

$$N_k = \frac{\text{никоҳдан ўтганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Никоҳдан ажралишлар коэффициенти (A_k) никоҳдан ажралганлар сонини 1000 га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

$$A_k = \frac{\text{никоҳдан ажрашганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Жадвал 1

Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва ажралишлар сони

Йиллар	Никоҳлар сони, минг	Ажралишлар Сони, минг	1000 киши ҳисобига	
			Никоҳлар	Ажралишлар
1980	173,6	22,5	10,8	1,4
1990	217,3	29,9	10,6	1,5
2000	172,9	22,6	7,1	0,8
2002	165,6	18,3	6,5	0,7
2004	155,8	17,4	6,0	0,7
2005	183,3	16,4	7,0	0,6
2006	208,5	16,2	7,8	0,6
2007	248,5	18,1	9,2	0,7
2010	285,4	19,0	10,1	0,7
2013	304,9	24,0	10,1	0,8

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлиб, ҳозирги пайтда 130 тадан кўпроқ миллат ва елатларга мансуб аҳоли яшайди. 1989 йил аҳоли рўйхатига кўра ўзбеклар Республика аҳолисининг 74 % ни ташкил этади. Улардан кейинги ўринларда руслар, тожиклар, қozoқлар, қoraқалпоқлар, татарлар туради. Тожиклар, қozoқлар, қирғизлар, қoraқалпоқлар Ўзбекистонда қадимдан яшаб келаётган туб жой аҳоли ҳисобланади. Руслар, немислар, татарлар, месхети турклар ва бошқа шу каби миллат вакиллари Ўзбекистонга турли вақтларда, асосан иккинчи жаҳон уруши натижасида мажбурий тарзда келтирилгандир. Шунинг учун ҳам бу миллат вакиллариининг айримлари кейинги йилларда ўз ватанларига қайтиб кўчиб кетмоқдалар. Лекин, мустақил Ўзбекистонда Конституциямизнинг 18 – моддасига ёзилганидек, фуқоралар жинси, ирқи миллатидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва еркинликларга эгадир, қонун олдида тенгдир.

Ҳозирги пайтда туманларда ҳам наъмунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга уйлар қурилмоқда статиститик маълумотларга қараганда аҳолининг 51% шаҳарларда 49% эса қишлоқ жойларда яшайди

Аҳолининг маданий – маърифий даражасини мавжуд театрлар, кутубхоналар ва улардаги китоблар сони чоп қилинаётган китоб ва даврий нашриётлар сони, олий ва ўрта махсус маълумотлилар сони, фан докторлари ва номзодлари сони ва шу каби кўрсаткичлар билан тавсифлаш мумкин.

Ўзбекистон аҳолиси вилоятлар яъни ҳудудлар бўйича нотекис жойлашган 2016-йил маълумотларига кўра Самарқанд вилоятида- 3583.9 минг киши, Фарғона вилоятида – 3505.3 минг киши, Андижон вилоятида- 2805,0 минг киши, Қашқадарё вилоятида – 3025.6 минг киши яшамокда. Аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлар : Андижон ва Фарғона вилоятларида 1км^2 – 400-500 киши, Навойи вилоятида эса 1км^2 га 9-10 киши тўғри келади.

3. Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари статистикаси.

Аҳолининг қайта такрор ишлаб чиқарилиши яъни авлодларнинг алмашуви туғилиш ва ўлишга боғлиқдир. Авлодлар алмашуви жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, буларга турмуш даражаси, тиббий ва ижтимоий таъминот, табиат ва экология, халқнинг анъаналари ва шу кабилар киради.

Аҳолининг табиий ҳаракати туғилиш ва ўлишга боғлиқ. Аҳолининг табиий ҳаракати мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади. Мутлоқ миқдорда туғилганлар, ўлганлар сони (минг киши) билан, нисбий кўрсаткичлар эса аҳолининг 1000 кишига нисбатан коэффицентларда ифодаланади. Шунинг учун статистика туғилиш ва ўлишни қайд қилиб боради. Бунда туғилиш коэффиценти, болалар ўлими коэффиценти, табиий ўсиш коэффиценти каби кўрсаткичлар ҳисобланади.

Туғилиш коэффиценти (T_k) ушбу даврда туғилганлар сонини 1000га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлиш билан топилади.

$$T_k = \frac{\text{туғилганлар сони} \times 1000}{\text{аҳолининг ўртача йиллик сони}}$$

Ўлим коэффиценти ўлганлар сонини 1000 кўпайтириб аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиб топилади.

$$O_k = \frac{\text{ўлганлар сони} \times 1000}{\text{аҳолининг ўртача йиллик сони}}$$

Болалар ўлими коэффициенти алоҳида ҳисобланади, бунда бир ёшгача ўлган болалар ҳисобга олиниб, туғилганларга нисбатан ҳисобланади.

Албатта ўлим коэффициенти аҳолининг ёши, жинси, яшаш ҳудудлари, миллати, оилавий аҳволи каби белгилари бўйича ҳар хилдир. Шунинг учун ҳам статистика ўлим сабабларини чуқур таҳлил қилишда бу белгилар бўйича хусусий ўлим коэффициентларини ҳам аниқлайди.

Аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти табиий ўсиш бўлган аҳоли сонини (туғилганлар сонидан – ўлганлар сонининг фарқи) 1000 кўпайтириб, аҳоли ўртача сонига бўлиб топилади.

$$TO_k = \frac{(\text{туғилганлар} - \text{ўлганлар сони}) \times 1000}{\text{аҳолининг ўртача йиллик сони}}$$

Бу ерда: TO_k – аҳолининг табиий ўсиш коеефициенти;
 t – шу даврда туғилганлар сони;
 y – шу даврда ўлганлар сони.

Ўзбекистонда туғилиш, ўлим ва аҳолининг табиий кўпайиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган

3 – жадвал

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табиий ўсиши	Аҳолининг 1000 киши ҳисобига		
				Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табиий ўсиши, киши
1980	540000	118900	421100	33,9	7,5	26,4
1990	691600	124500	567100	33,7	6,1	27,6
2000	527580	135598	391982	22,1	6,1	16,0
2005	533530	140585	392945	20,5	5,3	15,2
2010	634810	138411	496399	22,4	4,9	17,5
2011	622835	143253	479582	21,4	4,9	16,5
2012	625106	145988	479118	24,1	4,9	19,2
2013	679519	145672	533847	22,6	4,9	17,7
2015	734141	152035	582106	23,6	4,9	18,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики туғулганлар мутлоқ сони ва табиий ўсиш сони кўпаймоқда, лекин промиледа ҳисобланган нисбий миқдорда табиий ўсиш коэффициенти 1980-йилги 33,9 кишидан 2015-йил 23,6 кишигача пасайган.

Аҳолининг ҳаётийлиги коэффициенти туғилганлар сонини шу даврда ўлганлар сонига нисбати билан топилади. Бу кўрсаткич туғилганлар ўлганлардан неча баравар кўп деган саволга жавоб беради.

$$H_k = \frac{\text{туғилганлар сони}}{\text{ўлганлар сони}}$$

Ҳаётийлик коэффициенти туғилиш коэффициенти ўлиш коэффициентига бўлиб ҳам топилади; бунда натижа 1 дан катта бўлса ($\frac{T_k}{O_k} > 1$ дан) аҳолида табиий ўсиш бўлган, агарда 1

дан кичик бўлса ($\frac{T_k}{O_k} < 1$ дан) аҳолининг табиий камайиши содир бўлган. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республика аҳолиси табиий равишда ҳар йили 450-550 минг кишига кўпаймоқда.

Кейинги йилларда ҳар бир 1000 кишига туғилганлар ҳам, ўлганлар сони ҳам камайиб бормоқда. Туғилганлар сонининг камайиши қишлоқ аҳолисининг камайиб бориши, аёлларнинг ижтимоий ҳаётга фаол аралашуви ва бошқа омилларга боғлиқ. Мамлакатимизда ўлимнинг камайиши эса, Республикаимизда соғлом авлодни тарбиялаш, оналар соғлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишларнинг натижасидир.

Аҳолининг механик ҳаракати миграция натижасида бўлади. «Миграция» лотинча сўздан олинган бўлиб, «кўчиб юриш» маъносини англатади. Аҳоли мамлакат миқёсида ҳам бир жойдан иккинчи жойга кўчиб бориши мумкин. Бундай аҳолининг ҳаракати ички миграция ҳисобланади. Кейинги йилларда аҳоли жуда зич жойлашган Фарғона водийси вилоятларидан чўлни ўзлаштириш мақсадида Сирдарё ва Жиззах вилоятларига кўчиб келишди. Аҳолининг ички миграцияси мамлакат бўйича аҳоли сонига таъсир етмайди, фақат айрим ҳудудлар учун таъсири бўлади.

Аҳолининг мамлакатдан бошқа жойга (чет элга) кўчиб кетиши ёки чет элдан келиши халқаро миграция ҳисобланади. Бунда аҳолининг мутлоқ механик ўзгариши кўчиб кетганлар ва

кўчиб келганлар ўртасидаги фарқга боғлиқдир. Агарда мамлакатга кўчиб келганлар (K_k), шу даврда кўчиб кетганлардан (K_t) кўп бўлса, ($K_k > K_t$) механик ўсиш бўлади. Агарда кетганлар (K_t) сони, кўчиб келганлар (K_k) дан кўп бўлса, мутлоқ механик камайишни аниқлашимиз мумкин. Ўзбекистонга четдан кўчиб келганлар сони 2000 йилда 145,8 минг киши бўлса, 2015 йилда 139,3 минг кишини ташкил этиб, йил сайин камаймоқда. Мамлакатдан кўчиб кетганлар сони 2000 йилда 212,5 минг киши бўлса, 2015 йилда 168,6 минг кишини ташкил этиб, камайиш тенденциясига эга (Кенгроқ маълумолар иловада келтирилган). Демак ҳозирча, миграция бўйича механик камайиш содир бўлган. Аҳоли механик ҳаракатининг нисбий қуйидаги кўрсаткичлари аниқланади. Келганлар коэффициенти (Kk_k) бошқа жойлардан ушбу аҳоли пунктига доимий яшаш учун кўчиб келганлар сонини 1000 кўпайтириб, аҳоли ўртача сонига бўламиз.

$$Kk_k = \frac{\text{кўчиб келганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Кетганлар коэффициенти (Kt_k) – ушбу аҳоли пунктидан бошқа жойга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сонини 1000 га кўпайтириб аҳолининг ўртача сонига бўламиз.

$$Kt_k = \frac{\text{кўчиб кетганлар сони} \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Аҳолининг механик ҳаракат коэффициенти доимий яшаш учун кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар ўртасидаги фарқни 1000 кўпайтириб, аҳоли ўртача сонига бўлиш билан топилади.

Агарда кўчиб келганлар сони кўчиб кетганлар сонидан кўп бўлса, унда механик ўсиш коэффициенти аниқланади.

$$Mo_k = \frac{(\text{кўчиб келганлар} - \text{кўчиб кетганлар}) \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

$Mo_k \rightarrow$ аҳолининг механик ўсиш коэффициенти.

Агарда кўчиб кетганлар сони, кўчиб келганлар сонидан ортиқ бўлса, унда механик камайиш коэффициенти (Mk_k) аниқлаш лозим.

$$Mk_k = \frac{(\text{кўчиб кетганлар} - \text{кўчиб келганлар}) \times 1000}{\text{аҳоли ўртача сони}}$$

Ҳар бир ҳудуд миқёсида аҳолининг табиий ва механик ўзгариши натижасида, аҳоли сонининг истиқболи аниқланади. Ҳудудлар ҳўжалиги тармоқларини жойлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш режаларни белгилашда фойдаланилади.

«Аҳоли статистикаси» мавзуси бўйича таянч иборалар.

Мавжуд аҳоли; доимий аҳоли; аҳоли таркиби; аҳоли табиий ҳаракати; туғулиш, ўлиш ва табиий кўпайиш коэффициентлари; никоҳдан ўтиш ва никоҳдан ажралиш коэффициентлари; ҳаётийлик коэффициенти; аҳолининг механик ҳаракати; кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар коэффициентлари; аҳолининг механик ҳаракати коэффициенти; аҳоли сони истиқболини ҳисоблаш, иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳоли;

«Аҳоли статистикаси» мавзусидан ўз-ўзини назорат қилиш ва муҳокама учун саволлар.

1. Аҳоли сони нима учун муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади?
2. Мавжуд ва доимий аҳоли деганда нимани тушинамиз?
3. Аҳолининг ўртача сони қандай усуллар билан ҳисобланади?
4. Аҳолининг таркиби қандай ўрганилади?
5. Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларини тушунтиринг?
6. Аҳолининг механик ҳаракати кўрсаткичларини айтинг?
7. Аҳолининг истиқболдаги сони қандай ҳисобланади?

**“Аҳоли статистикаси» мавзуси бўйича амалий машғулоти
ўқитиш технологияси**

<i>Ажратилган вақти-2 соат</i>	<i>Тингловчилар сони:25-30</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Амалий машғулоти билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш
<i>Амалий машғулотида кўриб чиқиладиган саволлар.</i>	1. Аҳоли сони ва уларнинг ўртачасини ҳисоблаш. 2. Аҳоли таркиби статистикаси 3. Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари статистикаси
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Аҳоли статистикаси, аҳоли сони таркиби мамлакат ҳудуди бўйича жойлашиши унинг табиий ва механик ҳаракати, никоҳдан ўтиш ва ажралиш кўрсаткичлари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш.	
<i>Педагогик вазифа:</i> - аҳоли сони ва таркиби кўрсаткичлари бўйича тушунчалар бериш; - доимий ва мавжуд аҳоли сони, улар орасидаги боғланишни тушунтириш; - аҳоли сонини баҳолаш, ўртача аҳоли сонини ҳисоблаш усуллари билан таништириш; - аҳоли сони динамикаси кўрсаткичларини изоҳлаб бериш;	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> - аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганишни биладилар; - доимий ва мавжуд аҳоли сони, улар орасидаги боғланиш борлигини тушунтириб берадилар; - аҳоли сонини баҳолаш, ўртача аҳоли сонини ҳисоблаш усуллари билан танишадилар; - аҳоли сони динамикаси кўрсаткичларини изоҳлаб берадилар; - аҳолини ҳудудлар бўйича жойлашишига характеристика берадилар;

- аҳолини ҳудудлар бўйича жойлашишига изоҳ бериш; - аҳолининг табиий ва механик ҳаракати ҳақида тушунча бериш; -аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши ҳақида сўзлаб бериш; - туғилиш ва вафот этишнинг умумий ва махсус коэффициентларига таъриф бериш; -ҳозирги кундаги аҳоли механик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб бериш; -никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичларини таърифлаб бериш.	- аҳолининг табиий ва механик ҳаракати ҳақида тушунчага эга бўладилар; - аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши ҳақида сўзлаб берадилар; - туғилиш ва вафот этишнинг умумий ва махсус коэффициентларини тасвирлаб беради; - ҳозирги кундаги аҳоли механик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб берадилар; - Никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичлари таърифлаб берадилар.
<i>Ўқитишнинг усули ва техника</i>	Амалий машғулот, «ақлий хужум», Блиц-сўров, ва масала ечиш;
<i>Ўқитиш воситаси</i>	Таркатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитишнинг шакли</i>	Жамоа, фронтал, гуруҳда ишлаш
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳ билан ишлашга мослашган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол –жавоб

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Педагог</i>	<i>Тингловчи</i>
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Амалиёт машғулотининг мавзуси ва асосий саволларини эслатади. Олдинги Машғулот билан мантиқий боғлиқликда давом эттиради. 1.2. Мавзу бўйича блиц-сўров ўтказади (1-илова).	Эшитишади. Жавоб беришади.

2-босқич. Гуруҳларда ишлаш (20 мин.)	2.1.Баҳолашни такомиллаштириш йўллари топинг «Ақлий ҳужум» орқали муаммоли саволни ғояларини ёзади, баҳолайди ва 1 фикрга келинади. 2.2. Тингловчиларни 4 гуруҳга ажратади. Гуруҳ аъзоларини ўзаро ҳамкорликда ишлашга қулай қилиб жойлаштиради. 4та масала берилади. Эксперт варағи тайёрланади. Ўқув топшириқни бўлиб беради ва унинг ечими бўйича қўйилган саволларга асосланган ҳолда фикрлар беришга чақиради. Натижалар текширилади. Камчиликлар кўрсатилади (2-илова).	Эшитишади, гуруҳларга ажрашишади . Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган масалани ечади. Тақди мотга тайёрланади.
3-босқич. Тақдимот (45 мин.)	3.1.Тақдимотни ташкил қилади. Баҳолаш мезонлари.(3-илова) Гуруҳлар фаолиятининг ижобий томонларини, муваффақиятларини айтиб ўтади ва баҳолайди 3.2. Топшириқ бўйича якуний хулоса қилади.	Тақдимотда қатнашишад и. Қўшимча қилишади, баҳолашади.
4-босқич Яқунловчи (10 мин.)	4.1.Бажарилган ишларга хулоса яқунлайди. 4.2. Амалий Машғулотда эришилган натижаларга баҳо берилади. 4.3. Мустақил ишлаш учун назорат саволлари берилади.(4-Илова).	Эшитишади ва ёзиб олишади. ЎУМга қаранг

1-Илова.

Блиц-сўров саволлари

1. Аҳоли статистикасини асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Аҳолини ўртача йиллик сонини ҳисоблаш формулаларини мисоллар орқали тушунтиринг.
3. Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларига нималар киради?
4. Аҳолини истиқболдаги сони қандай ҳисобланади?

2-Илова

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш жадвали

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳларни сузга чиқишларни баҳолайди. Мезонлар бўйича балларни жамлайди. (ҳар бир мезон бўйича максимал баҳолаш балли – 5 балл)

Гуруҳлар	Жавобнинг аниқлиги	Кўргазмалилиги	Оммавийлиги (гуруҳ аъзоларнинг фаоллиги)	Балларни умумий суммаси
1				
2				
3				
4				

Умумий ҳисобот ва баҳо

Гуруҳлар	Гуруҳларнинг умумий баллари			
	1	2	3	4
1	-			
2		-		
3			-	
4				-
Умумий баллар суммаси				
Баҳоси (5 га бўлинган балларнинг умумий суммаси)				

5-Илова.

Ақлий ҳужум саволлари:

1. Аҳоли сони ва таркибини статистик ўрганиш.
2. Аҳолини жинси, миллати, оилавий ҳолати, маълумотли даражаси ва бошқа белгилар бўйича ўрганиш.
3. Аҳолини табиий ва механик ҳаракати статистикаси.
4. Аҳоли табиий ҳаракатини ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар: туғилиши, вафот этиши, табиий ўсиши.
5. Аҳоли миграцияси турлари. Аҳоли миграциясининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлари.
6. Никоҳдан ўтиш ва ундан ўчиш кўрсаткичлари.

АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ

Услубий кўрсатмалар ва намунавий мисоллар ечиш

Бу мавзу бўйича амалий машғулотлар ўтказиш жараёнида тала-балар аҳоли статистикасининг ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти, аҳоли сони-ни шаклланиш қонуниятлари, уларнинг сони ва ҳисоблаш технологияси би-лан шуғулланишлари зарур. Аҳоли статистикаси мавзуси бўйича амалий машғулот самарали ўтиши учун мавзу бўйича мустақил иш олиб борилганда қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш талаб қилинади:

- ХХІ асрда юз берадиган демографик ҳолат ва аҳоли статистика-сининг вазифалари.
- Аҳолининг сони, таркиби, категориялари ва жойланиш кўрсаткичлари.
- Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати статистикаси.
- Аҳолини кутиладиган ўртача умр кўриш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш.
- Аҳолининг келажақдаги сонини ҳисоблаш усуллари.
- Аҳолини ижтимоий тавсифлаш кўрсаткичлари.

Аҳоли статистикаси статистика фанининг қадимий тармоқларидан бири бўлиб, у аҳолини, унинг сони ва динамикаси билан боғлиқ жараёнларни, ижтимоий шарт-шароитларни ўрганади.

Аҳоли сонини шаклланиш қонуниятлари, жойланиши ва таркиби ҳамда демографик жараёнлар: туғилиш, никоҳдан ўтиш ва ажралиш, ўсиш, миг-рация, ўлим кабилар аҳоли статистикасининг предмети ҳисобланади.

Илк даврларда аҳолини ўрганишда асосан, уларнинг сони аниқланиб, бу эса урушда қатнашувчи кишиларни аниқлаш, солиқ олиш мақсадларида амалга оширилган.

Аҳоли статистикаси ижтимоий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли статистикасида кузатув бирлиги ва аъзоси алоҳида киши, оила, уй хўжалиги ҳисобланади. Уй хўжалиги бир ёки бир нечта оиладан, баъзан бир кишидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Шунинг учун уларни ўрганиш халқаро амалиётда кенг қўлланилади.

Аҳоли маълум бир ҳудуд (мамлакатнинг бир қисми, мамлакат, мам-лакатлар гуруҳи, ер юзи) да яшовчи кишилар тўпламидир.

Маълум ҳудудда доимий ва мавжуд аҳоли сони аниқланади. Аҳоли-нинг сони давлат, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, эркалар ва аёллар бўйича ўрганилади.

Кузатув объекти ва бирлиги тадқиқотнинг мақсадига қараб танланади. Аҳоли статистикасининг асосий манбаи жорий ҳисоб ва аҳолини рўйхатга олиш (ёппасига ёки қисман) ҳисобланади. Бунда рўйхатга олиш бош-ланғич маълумотлар манбаидир. Аҳоли рўйхати аҳоли тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади. Туғилганлар, вафот этганлар, кўчиб келган ёки кет-ганларнинг жорий ҳисоби аҳоли рўйхати орқали олинган маълумотлар асосида ҳар йиллик аҳоли сонини аниқлашга ёрдам беради.

Ёппасига рўйхатга олиш мураккаб ва серҳаражат жараёндир. Шу-нинг учун у жуда кам амалга оширилади. Собиқ иттифок даврида 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989-йилларда аҳоли рўйхатга олинган.

Аҳолининг ҳар бир статистик тадқиқоти натижасида турли хил вазифалар ҳал қилинади.

Аҳоли статистикасининг **асосий вазифалари** қуйидагилар ҳисобланади:

1. Аҳоли сонини ва унинг мамлакат ҳудуди бўйича жойланишини (маъмурий ҳудуд, шаҳар ва қишлоқ ҳудуди) аниқлаш;

2. Аҳоли таркибини (жинси, ёши, миллати, ижтимоий ҳолати, маълумоти ва бошқа белгилари бўйича) ўрганиш;

3. Аҳоли табиий ҳаракатини (туғилиш, вафот етиш, табиий ўсиш, никоҳ-дан ўтиш ёки ажралиш) ўрганиш;

4. Аҳоли миграциясини ўрганиш;

5. Ўртача умр кўриш узунлигини ва ҳаётийлик даражасини аниқлаш.

6. Аҳолини келажакдаги сонини ва таркибини башоратлаш.

Юқорида айтилганидек, аҳоли рўйхати аҳоли сонини аниқловчи бошлан-ғич манба ҳисобланади. Бунда аҳоли сони маълум бир кунга ёки пайтга тегишли бўлади. Аҳоли рўйхатлари орасидаги даврлар учун аҳоли сони ҳисоб-китоб йўли қуйидагича аниқланади. (бунда охириги аҳоли рўйхати ва табиий ва механик ҳаракатининг жорий

ҳисоби маълумотлари аҳоли сонини аниқлаш учун асос қилиб олинади: яъни (маълум бир ҳудуд учун))

$$A_1 = A_0 + T - B + \text{Кел} - \text{Кет}$$

бу ерда:

A_0 – йил бошида аҳоли сони;

T – йил давомида туғилганлар сони;

B – йил давомида вафот етганлар сони;

Кел – йил давомида бошқа ҳудудлардан кўчиб келганлар;

Кет – йил давомида бошқа ҳудудларга кўчиб кетганлар;

A_1 – йил охирида аҳоли сони.

Маълум бир санадаги аҳоли сонини аниқлашда статистикада турли, яъни доимий ва мавжуд аҳоли тоифалари қўлланилади.

Доимий аҳоли-бу рўйхат ўтказилган пайтда қайси жойда бўлганилиги-дан қатий назар, муайян ҳудудда доимий яшовчи кишилар тоифасидир.

Мавжуд аҳоли – бу рўйхат ўтказилган пайтда муайян аҳоли пункт-ларида ҳақиқатда бўлган барча кишилар тоифасидир.

Аҳоли тоифалари ўртасида қуйидаги тенгликлар ўринли:

$$ДА = МА + ВЙ - ВЯ$$

$$МА = ДА + ВЯ - ВЙ$$

бу ерда:

ДА – доимий аҳоли сони;

МА – мавжуд аҳоли сони;

ВЙ – вақтинча йўқ аҳоли сони;

ВЯ – вақтинча яшовчилар сони.

Бир қатор кўрсаткичларни аниқлаш учун статистикада аҳолининг маълум бир давр (йил) учун ўртача миқдори қуйидаги усулларда ҳисобланади:

1. Агар аҳоли сони давр бошига ва охирига берилган бўлса, оддий ўртача арифметик формуладан фойдаланилади:

$$\bar{A} = \frac{A_0 + A_1}{2}$$

бу ерда:

$\bar{A}$ – ўртача аҳоли сони;

A_0 – давр (йил) бошидаги аҳоли сони;

A_1 – давр (йил) охиридаги аҳоли сони.

2. Агар аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар маълум санага тенг даврларда берилган бўлса, ўртача хронологик формуладан фойдаланилади:

$$\bar{A} = \frac{\frac{A_0}{2} + A_1 + A_2 + \dots + \frac{A_n}{2}}{n-1}$$

3. Агар аҳоли сони маълум санага тенг бўлмаган даврларда берилган бўлса, ўртача арифметик тортилган формуладан фойдаланилади.

$$\bar{A} = \frac{\frac{A_0 + A_1}{2} \cdot t_1 + \frac{A_1 + A_2}{2} \cdot t_2 + \dots + \frac{A_{n-1} + A_n}{2} \cdot t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n}$$

ёки

$$\bar{A} = \frac{\bar{A}_1 \cdot t_1 + \bar{A}_2 \cdot t_2 + \dots + \bar{A}_n \cdot t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n} = \frac{\sum_{i=1}^n \bar{A}_i \cdot t_i}{\sum_{i=1}^n t_i}$$

бу ерда:

$A_1, A_2, \dots, A_n$ – даврлар боши (ёки охири)даги аҳоли сони ;

$t_1, t_2, \dots, t_n$ – даврлар оралиғи узунлиги (кун, ой, квартал ва ҳоказо).

$\bar{A}_1, \bar{A}_2, \dots, \bar{A}_n$ – ҳар бир давр учун ўртача аҳоли сони;

n – даврлар сони.

1-мисол. Ўзбекистон Республикаси бўйича қуйидаги шартли маълумотлар берилган:

1. Йил бошида аҳоли сони (A_0) – 26407,8 минг киши
2. Йил давомида:
туғилганлар сони (T) – 533500 киши;
ўлганлар сони (Y) – 140600 киши;
доимий яшаш учун кўчиб келганлар ($K_{ел}$) -6700 киши;
республикадан кўчиб кетганлар ($K_{ет}$) – 95500 киши.
3. 15-49 ёшдаги аёлларнинг ўртача йиллик сони (A_{15-49}) – 6710,9 минг киши.

Берилган маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқамиз.

- 1) Йил охиридаги аҳоли сони (A_1):

$$A_1 = A_0 + (T - Y) + (K_{ел} - K_{ет}) = 26407,8 + (533,5 - 140,6) + (6,7 - 95,5) = 26407,8 + 392,9 + (-88,8) = 26711,9 \text{ минг киши}$$

- 2) Аҳолининг ўртача йиллик сони ($\bar{A}$):

$$\bar{A} = \frac{A_0 + A_1}{2} = \frac{26407,8 + 26711,9}{2} = 26559,8 \text{ минг киши}$$

- 3) Умумий туғилиш коэффициенти ($K_{туғ}$)

$$K_{туғ} = \frac{T}{\bar{A}} \cdot 1000 = \frac{533,5}{26559,8} \cdot 1000 = 20,0\text{‰}$$

- 4) Ўлим коэффициенти ($K_{ўл}$)

$$K_{ўл} = \frac{Y}{\bar{A}} \cdot 1000 = \frac{140,6}{26559,8} \cdot 1000 = 5,3\text{‰}$$

- 5) Табiiй ўсиш коэффициенти ($K_{то'}$)

$$K_{то'} = \frac{T - Y}{\bar{A}} \cdot 1000 = \frac{533,5 - 140,6}{26559,8} \cdot 1000 = 14,8\text{‰}$$

- 6) Миграция ёки механик ўсиш коэффициенти ($K_{мў}$)

$$K_{mo'} = \frac{Kel - Ket}{\bar{S}} \cdot 1000 = \frac{6,7 - 95,5}{26559,8} \cdot 1000 = -3,3\text{‰}$$

7) Умумий ёки соф ўсиш коэффициенти

$$K_{c\ddot{y}.} = K_{t\ddot{y}} + K_{m\ddot{y}} = 14,8 + (-3,3) = 11,5\text{‰}.$$

8) Махсус туғилиш коэффициенти (K_{mt})

$$K_{mt} = \frac{T}{A_{15-49}} \cdot 1000 = \frac{533,5}{6710,9} \cdot 1000 = 79,5\text{‰}$$

9) Миграцион оборот интенсивлиги коэффициенти

$$K_{m.o.i.} = \frac{Kel + Ket}{\bar{S}} \cdot 1000 = \frac{6,7 + 95,5}{26559,8} \cdot 1000 = 3,85\text{‰}$$

10) Миграция самардорлиги коэффициенти

$$K_{m.s.} = \frac{Kel - Ket}{Kel + Ket} \cdot 100 = \frac{6,7 - 95,5}{6,7 + 95,5} \cdot 100 = \frac{-88,8}{102,2} = -86,9\%$$

11) Ҳаётлик коэффициенти

$$K_{hayot} = \frac{T}{O'} = \frac{533,5}{140,6} = 3,8$$

ёки

$$K_{hayot} = \frac{K_{tug'}}{K_{o'l}} = \frac{20,0\text{‰}}{5,3\text{‰}} = 3,8.$$

Берилган маълумотлар асосида аҳолининг келажакдаги сони (унинг мутлақ ёки нисбий ўзгаришини ўзгармас десак) аниқлаш мумкин.

Шунга кўра, аҳолининг 5 йилдан кейинги сони:

$$A_5 = A_0 + n \cdot \Delta A = 26407.8 + 5 \cdot 304.1 = 27928.3 \text{ min } g \text{ kishi}$$

$$A_5 = A_0 \left(\frac{1 + K_{so'}}{1000} \right)^5 = 26407.8 \cdot \left(\frac{1 + 11.5}{1000} \right)^5 = 27961.6 \text{ min } g \text{ kishi}$$

Мустақил ишлаш учун мисоллар

1-мисол. Ўзбекистон аҳолисининг ҳаракати (минг киши).

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2000	2001	2002	2005
1.Мавжуд аҳоли: – йил бошидаги сони – ўртача йиллик сони	24487.7	24813.1	25115.8	26021.3
2.Йил давомида: – туғилганлар сони – ўлимлар сони – табиий ўсиш – соф ўсиш – механик ҳаракатнинг салдоси (+,-)	527.58 135.598 ... 420.2 ...	512.95 132.542 ... 325.4 ...	532.511 137.028 ... 302.7 ...	533.53 140.585 ... 313.9 ...
3.Аҳоли ҳаракатининг нисбий кўрсаткичлари, (%) – туғилиш – ўлим – табиий ўсиш – механик ҳаракат – соф ўсиш				
4.Ўлим, жами: – гўдакларнинг ўлими. – Гўдаклар ўлими коэффициенти (1000 та тирик туғилган болага нисбатан,%)	10.1 ...	9.4 ...	8.8 ...	8.2

Аниқланг:

1) Шартли белги (...) қўйилган бўш катаклардаги кўрсаткичларни;

2) 2006-йил маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 2010-йилдаги сонини тахминланг (башоратланг):

– $\Delta \bar{A}$ асосида ;

– $\Delta \bar{K}$ соф ўсиш асосида.

2-мисол. Ўзбекистон Республикаси бўйича қуйидаги маълумотлар берилган (минг киши):

Йил	Аҳолининг ўртача йиллик сони	Шундан, шаҳар аҳолиси	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Миграция салдоси
1990	20420	8265	692	125	-180
1991	20863	8366	723	130	-96
1992	21360	8474	710	140	-74
1993	21853	8559	689	145	-54
1994	22282	8635	657	148	-139
1995	22690	8712	678	144	-89
1996	23130	8819	639	145	-50
1997	23560	8931	609	138	-49
1998	23967	8989	557	141	-52
1999	24216	9070	545	131	-48
2000	24572	9265	527	136	-61
2001	25211	9357	513	132.6	-72.4
2002	25523	9411	532	137	-79.1
2003	25802	9451	508.4	135.9	88.1
2004	26116	9512	540.4	130.4	88.8
2005	26509	9655	533.5	140.6	

Берилган маълумотлар асосида ҳисобланг:

- 1) туғилиш , ўлиш, табиий ўсиш, миграция коэффициенти;
- 2) умумий ўсиш коэффициенти;
- 3) қишлоқ аҳолисининг сони ва салмоғини;
- 4) ҳисобланган маълумотларни жадвал шаклида келтиринг ва қисқача хулоса қилинг.

3-мисол. Қуйидаги шартли маълумотлар келтирилган:

№	Кўрсаткичлар	миқдори
1	Ўртача йиллик аҳоли сони, минг киши	1460
2	Меҳнат ресурслари сони, минг киши	740
3	Туғилиш коэффициенти, %	19
4	Ўлим коэффициенти, %	12
5	Механик ўсиш коэффициенти, %	-2

Аниқланг:

- 1) Табиий ўсиш ва соф ўсиш сонини;
- 2) Соф ўсиш коэффициенти;
- 3) 5 йилдан кейинги аҳоли сонини ;
- 4) Меҳнат ресурсларининг жами аҳоли сонидаги салмоғини ва келгуси йилдаги салмоғи 0.05 пунктга ошса ва аҳоли сони жорий йилдаги каби ўз-гарса, меҳнат ресурсларининг келгуси йилдаги сонини аниқланг.

4-мисол. Қуйидаги шартли маълумотлар келтирилган.

Аҳоли сони йил бошида 24200 минг киши , йил охирида 24600 минг киши; 15-49 ёшдаги аёллар сони йил бошида 9240 минг киши, йил охирида 9360 минг киши. Йил давомида туғилганлар сони 240 минг киши, вафот етганлар сони 325 минг киши, шундан 1 ёшгача бўлган гўдаклар ўлими 13 минг нафар. Шу маълумотлар асосида табиий ўсиш, механик ўсиш, соф ўсиш, махсус туғилиш ва 1 ёшгача болалар ўлими коэффициенти, 5 йилдан кейинги аҳоли сонини аниқланг.

5-мисол. Аҳоли сони йил бошида 24200 минг киши; 15-49 ёшдаги аёллар салмоғи жами аҳоли сонига нисбатан йил бошида 35 %, йил охирида 36 %. Йил давомида туғилганлар сони 375 минг киши, вафот етганлар сони 60 минг киши, кўчиб келганлар сони 120 минг киши, кўчиб кетганлар сони 85 минг киши. Шу маълумотлар асосида ўртача йиллик аҳоли сонини, ўртача йиллик аёллар сонини, табиий ўсиш, механик ўсиш, туғилиш ва соф

ўсиш коэффициенти хамда 5 йилдан кейинги аҳоли сонини ҳисобланг.

6-мисол. Аҳолининг ўртача йиллик сони 25200 минг киши, йил давомида кўчиб келганлар сони 440 минг киши, кўчиб кетганлар сони 320 минг киши бўлса, умумий миграция, миграция самарадорлиги ва миграцион оборот интенсивлиги коэффициентларини аниқланг.

7-мисол. Берилганлар бўйича 2006 ва 2007-йиллар учун аҳолининг ўртача сонини аниқланг:

1-вариант	2-вариант	Аҳоли сони, млн.киши
01.01.2006й	01.01.2007й	86.2
01.04.2006й	01.04.2007й	86.5
01.07.2006й	01.09.2007й	88.9
01.10.2006й	01.10.2007й	90.4
01.01.2007й	01.01.2008й	92.6

8-мисол. Қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Туғилишнинг махсус коэффициенти «А» туманда 12 %, «Б» туман-да эса 14 % ни ташкил етган. Аҳолининг ўртача йиллик сони «Б» туман-да «А» тумандагига нисбатан 3 марта кўп. Иккала туман бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти аниқланг.

9-мисол. Шаҳардаги аёллар сони ва туғганлар бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилган.

Ёш гуруҳлари, йил	Аёллар сони, минг киши	Туғганлар сони, минг киши
15-19	48.5	2.55
20-24	48.0	7.87
25-29	61.8	6.37
30-34	63.9	3.49

35-39	58.6	1.29
40-44	38.9	0.19
45-49	41.9	0.01

Шаҳар аҳолисининг ўртача йиллик сони 1470 минг кишини ташкил етган.

Аниқланг:

- 1) Умумий туғилиш коэффициентини;
- 2) Махсус туғилиш коэффициентини;
- 3) Ёшлар бўйича махсус туғилиш коэффициентларини;

10-мисол. Шаҳар аҳолиси йил бошига 1516.2 минг киши ва йил охи-рига 1551.8 минг кишини ташкил қилган. Йил давомида 38682 киши туғил-ди, 10989 киши ўлди, шу жумладан 1516 нафар бир ёшгача бўлган болалар, 18113 киши никоҳдан ўтганлар, 1380 киши ажрашган.

Аниқланг:

- 1) аҳолининг ўртача йиллик сонини;
- 2) туғилиш, ўлим, болалар ўлими коэффициентларини;
- 3) табиий ўсиш коэффициентларини;
- 4) Никоҳдан ўтиш ва ажралиш коэффициентларини.

11-мисол. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ёши бўйича гуруҳланган қуйидаги маълумотлар келтирилган: (йил охирига, минг киши).

Аҳолининг ёши бўйича гуруҳлари	2003-йил		2004-йил	
	аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар
Жами аҳоли. Шу жумладан, ёшда, йил:	12743	12684	12876	12831
1	2	3	4	5
0-2	749.9	792.2	739.7	784.3
3-5	804	844.7	767.5	806.1
6-7	614.4	645.7	582.4	614.5
8-15	2529.6	2623	2525	2625
16-17	617.4	629.1	626.9	642.5

18-19	550.5	558.4	584.9	593.5
20-24	1191.4	1210.9	1230	1248.0
25-29	1023.6	1036.8	1042	1051.7
30-34	923.5	909.8	936	935.2
35-39	846.9	805.2	849.8	806.8
40-49	1372.3	1325.4	1434.5	1382.1
50-59	612.99	448.5	465.1	431.5
60-69	487.8	448.5	465.1	431.5
70 ёшдан юқори	418.9	273.1	421.5	278.9

Илова:

	2003й	2004й
Республика бўйича никоҳдан ўтганлар (минг киши)	165.6	161.7
Шу жумладан: Қишлоқ аҳолиси	99.9	96.1
Шаҳар аҳолиси	65.7	65.6
Никоҳдан ажрашганлар(минг киши)	18.3	17.6
Шу жумладан: Қишлоқ аҳолиси	6.3	6.4
Шаҳар аҳолиси	12.0	11.2

Аниқланг:

1. Йиллар бўйича ҳар бир ёш гуруҳидаги аҳоли салмоғини;
2. Ҳар бир ёш гуруҳлари бўйича аҳоли сонининг динамикасини;
3. Никоҳдан ўтиш ва никоҳдан ажралиш коэффициентларини;
4. Аҳолининг қариш (60 ва ундан юқори ёшдагилар бўйича) демографиясини;
5. Олинган маълумотлар бўйича хулоса қилинг.

12-мисол. Андижон вилоятининг ҳудуди 4.3 минг км², унинг ҳудуд-ида 890 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд бўлиб, уларда 01.01.2016-йилда 2910.5 минг киши истиқомат қилган.

Аҳоли зичлигини аниқланг.

13-мисол. Ўзбекистон Республикасида 2008-йилнинг 1 январ ҳо-латига доимий аҳоли сони 27072.8 минг кишини ташкил етиб, шундан: а) 16 ёшгача бўлган ўсмирлар 9015.0 минг нафар.б) меҳнатга қоби-лиятли ёшдагилар (16-55(60)йил) 16108.0 минг киши; в) пенсия ёш-дагилар 1949.2 минг киши.

Аниқланг:

- 1) а, б ва в лар бўйича аҳолининг салмоғини;
- 3) Демографик юклама коэффициентларини.

14-мисол. Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд (йил бошига, минг киши)

Йил	Жами аҳоли	Шу жумладан:	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
2000	24487.7	9165.5	15322.2
2001	24813.1	9225.3	15587.8
2002	25115.8	9286.9	15828.9
2003	25427.9	9340.7	16087.2
2004	25707.4	9381.3	16326.1
2005	26021.3	9441.9	16579.4
2006	26312.7	9495.1	16817.6
2007	26663.8	9584.6	17079.2
2008	27072.2	9698.2	17374.0

Ҳисобланг:

- 1) Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳамда жами аҳоли сонининг динамикасини;
- 2) Занжирсимон ўсиш ва кўшимча ўсиш суръатларини;
- 3) Жами аҳоли сониди шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг салмоғини (%);

Олинган маълумотларни таҳлил қилинг. Маълумотларни жадвал кўринишида тасвирланг.

15-мисол. Ўзбекистон Республикасида мавжуд аҳоли сони 2006 ва 2007-йилларнинг бошида мос равишда 26407,8 ва 26758,9 минг кишини ташкил етиб, 2006-йил давомида туғилганлар сони 555,9 минг нафарга, ва-фот етганлар эса 139,6 минг кишига, шундан 1 ёшга етмасдан вафот етган гўдаклар сони 8,0 мингтага тенг бўлган.

Аниқланг: 1) мавжуд аҳолининг 2006-йил учун ўртача сонини; 2) миг-рация салдосини; 3) аҳолининг туғилиш, вафот етиш, табиий ўсиш ва ҳаё-тийлик коэффициентларини; 4) 1 ёшгача бўлган гўдакларнинг вафот етиш (1000 та туғилганлар бўйича) коэффициенти; 5) соф миграция (механик ўсиш) коэффициенти; 6) аҳолининг умумий ўсиш коэффициенти.

16-мисол. 14-мисолда келтирилган 2000-2008-йиллардаги аҳолининг умумий сони тўғрисидаги маълумотлар асосида аҳолининг 01.01.2010 ва 01.01.2015-йиллар учун истикболдаги сонини тахминланг.

17-мисол. Ўзбекистон Республикасида 2006-йилда никоҳлар сони 208,5 мингтани, шу жумладан, шаҳар аҳолиси бўйича 71,6 мингтани ташкил етиб, ажралишлар сони мос равишда 16,2; 9,8 ва 6,4 мингтага тенг бўлган. 2006-йилда жами мавжуд аҳолининг ўртача сониде шаҳар аҳо-лисининг салмоғи 36,1 % ташкил етган.

Аниқланг:

1) 15-мисолдаги маълумотлар асосида жами ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бўйича никоҳдан ўтиш ва ажралишлар коэффициенти;

2) Тегишли хулосалар қилинг.

18-мисол. Ўзбекистон Республикасида 2006-йилда туғилишнинг уму-мий коэффициенти 20,9 ‰ ташкил етиб, жами аҳолининг ўртача йиллик сониде 15-49 ёшдаги аёлларнинг салмоғи 26,0 % тенг бўлган. Туғилишнинг махсус коэффициенти аниқланг.

19-мисол. Ўзбекистон Республикасида 2006-йилда туғилишнинг махсус коэффициенти 80,4 %, туғилганлар сони 555,9 минг нафар, вафот етганлар 139,6 минг кишини, жами аҳолининг ўртача йиллик сонида 15-49 ёшдаги аёлларнинг салмоғи 26,0 %, миграция салдоси – 65,2 минг кишига тенг бўлган.

Аҳолининг туғилиш, вафот етиш, табиий ўсиш, ҳаётийлик ва умумий ўсиш коэффициентларини аниқланг.

20-мисол. Жами аҳоли сонида фертил ёшидаги аёлларнинг салмоғи 30 %, туғилиш коэффициенти 8,9%, йил давомида туғилганлар сони 15000 нафари ташкил етган.

Аниқланг: 1) Туғилишнинг махсус коэффициентини;
2) Аҳолининг ўртача йиллик сонини.

21-мисол. Агар аҳолининг умумий ўзгариш коэффициенти – 2%, табиий ўзгариш коэффициенти -4 % 0 га тенг бўлса, миграция коэффициенти қанча бўлади?

22-мисол. Қуйидаги маълумотлар асосида ёшни силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисобланг.

Ёш	Мазкур ёшдаги аҳолининг 2009-йил бошидаги сони, киши	Ҳар бир ёш яшаши мумкин бўлган эҳтимоллик	Йил бошидаги ёшлар		
			2010	2011	2012
16	3786	0,99641	-	-	-
17	3764	0,99600	$3786 \cdot 0,99641 = 3772$		
18	3742	0,99562	...	$3772 \cdot 0,99600 = 3757$	
19		0,99526	...	...	$3757 \cdot 0,99562 = 3740$
20		0,99503	-	...	...
21			-	-	...

Мавзу бўйича тест

1. Қандай аҳоли мавжуд аҳоли деб айтилади:

- a) Доимий ёки вақтинча яшашидан қатъий назар аҳолини рўйхатга олиш пайтида мавжуд бўлган аҳолига
- b) Мазкур жойда доимий яшовчи аҳолига
- c) Аҳолини рўйхатга олиш пайтида доимий яшовчи аҳолига
- d) аҳолини рўйхатга олиш пайтида хизмат сафарида бўлган аҳолига

2. Қандай аҳоли доимий аҳоли деб айтилади:

- a) Аҳолини рўйхатга олиш пайтида қаерда бўлишидан қатъий назар мазкур аҳоли пунктида доимий яшовчи аҳолига;
- b) Аҳоли пунктида доимий яшайдиган аҳолига;
- c) Аҳолини рўйхатга олиш пайтида мавжуд бўлган аҳолига;
- d) Аҳолини рўйхатга олиш пайтида бир йилдан зиёд муҳлатга чет элга кетган аҳолига

3. Аҳолининг туғилиш коэффициенти қандай аниқланади:

- a) Туғилганлар сонини мингга кўпайтириб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади
- b) Туғилганлар сонини ўлганлар сонига бўлиб топилади
- c) Туғилганлар сонидан ўлганлар сони айрилади ва мингга кўпайтирилиб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

d) Ўлганлар сонини туғилганлар сонига бўлиб топилади

4. Аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти қандай аниқланади:

- a) Туғилганлар сонидан ўлганлар сони айрилади ва мингга кўпайтирилиб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.
- b) Туғилганлар сонини мингга кўпайтириб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади
- c) Туғилганлар сонини ўлганлар сонига бўлиб топилади
- d) Ўлганлар сонини туғилганлар сонига бўлиб топилади

5. Аҳолининг хаётийлик коэффициенти қандай аниқланади:

- a) Туғилганлар сонини ўлганлар сонига бўлиб топилади
- b) Туғилганлар сонидан ўлганлар сони айрилади ва мингга кўпайтирилиб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.
- c) Туғилганлар сонини мингга кўпайтириб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади
- d) Ўлганлар сонини туғилганлар сонига бўлиб топилади

6. Аҳолининг табиий ҳаракат кўрсаткичларига қайси кўрсаткичлар киради:

- a) туғилиш, ўлиш, никоҳ ва никоҳнинг бекор қилиниши
- b) туғилиш кўрсаткичи
- c) ўлиш кўрсаткичи
- d) келиш ва кетиш кўрсаткичлари

АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. 1991 йил 1 сентябр -Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни.
2. 1991 йил 18 ноябр -Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинди.
3. 1992 йил 2 март -Ўзбекистон Республикаси БМТ-га қабул қилинди.
4. 1992 йил 2 июл -Ўзбекистон Давлат герби қабул қилинди.
5. 1992 йил 8 декабр -Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.
6. 1992 йил 10 декабр -Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинди.
7. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди 448,97минг кв. км.
8. Республика аҳолиси (2016- йилга)-31,5 млн. киши.
9. Ўзбекистон Республикаси таркиби: Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 вилоят. Вилоятлар: Тошкент, Сирдарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё, Хоразм.
10. Ўзбекистон Республикаси қонуни: «Давлат статистикаси тўғрисида» (янги таҳрири) 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган.
11. Ўзбекистон Республикаси қонуни: «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрири) 2016 йил 13 апрелда қабул қилинди.

12. Ўзбекистон Республикаси қонуни: «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрда қабул қилинди.
13. Ўзбекистон Республикаси қонуни: «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» 1996 йил 25 апрелда қабул қилинди.
14. Ўзбекистон Республикаси қонуни: «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (янги таҳрири) 2000 йил 26 майда қабул қилинди.
15. Ўзбекистон Республикаси қонуни: «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрир) 2003 йил 24 апрелда қабул қилинди.
16. Ўзбекистон Республикасининг қонуни: «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида». 2014 йил 3 декабрдан кучга кирган.
17. Ўзбекистон Республикасининг қонуни: «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида». 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». 2017 йил 7 феврал.

Йилларнинг номланиши

- 1997 йил – «Инсон манфаатлари йили»
- 1998 йил – «Оила йили»
- 1999 йил – «Аёллар йили»
- 2000 йил – «Соғлом авлод йили»
- 2001 йил – «Оналар ва болалар йили»
- 2002 йил – «Қарияларни кадрлаш йили»
- 2003 йил – «Обод маҳалла йили»
- 2004 йил – «Меҳр-мурувват йили»
- 2005 йил – «Сихат-саломатлик йили»
- 2006 йил - «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»
- 2007 йил - «Ижтимоий ҳимоя йили»
- 2008 йил - «Ёшлар йили»
- 2009 йил - «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили»
- 2010 йил - «Баркамол авлод йили»
- 2011 йил - «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»
- 2012 йил - «Мустаҳкам оила йили»

2013йил – «Обод турмуш йили»
2014йил – «Соғлом бола йили»
2015 йил – «Кексаларни эъзозлаш йили»
2016 йил – «Соғлом она ва бола йили»
2017 йил – «Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари
йили»

МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАСНИФЛАШЛАР

ХХТУТ – Халқ хўжалиги тармоқлари умумдавлат таснифлагичи:

5 хонали рақамли код

КТУТ – Корхона-ташкilotларнинг умумдавлат таснифлагичи:

8 хонали рақамли код

ДБИБТ – Давлат бошқарув идораларини белгиловчи тизим

ИФТУТ – Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи:

5 хонали рақамли код

ТХШТ – Ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи:

4 хонали рақамли код

МШТ – Мулкчилик шакллари таснифлагичи

3 хонали рақамли код

СТИР – Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

9 хонали рақамли код

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши (минг киши)

Йиллар	Аҳоли сони	Йиллар	Аҳоли сони
1865	3320	1985	17927
1897	3730	1990	20322
1900	4016	1995	22562
1913	4366	2000	24654
1918	4366	2004	25857
1924	4258	2005	26100
1930	4926	2008	27100
1939	6440	2009	27767,1
1940	6264	2010	28001,4
1950	6551	2011	28564,8
1959	8119	2012	29559,1
1960	8395	2013	29993,5
1965	10068	2014	30492,8
1970	11799	2015	31022,5
1980	15757	2016	31575,3

Манба: Тўхлиев Н ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.

Т.: 2006 йил ва кейинга стат. маълумотлар.

Туғилиш, ўлим ва аҳолининг табиий ўсиши
(минг киши)

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табиий ўсиши	Ҳар 1000 аҳоли ҳисобига		
				туғилганлар	ўлганлар	табиий ўсиш
1980	540,0	118,9	421,1	33,9	7,5	26,4
1985	679,1	131,7	547,4	37,4	7,3	30,1
1986	708,7	132,2	576,5	37,9	7,1	30,8
1987	714,4	133,8	580,6	37,3	7,0	30,3
1988	694,1	134,4	559,4	35,3	6,8	28,5
1989	668,8	126,9	541,9	33,3	6,3	27,0
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
2000	531,0	136,3	394,7	21,5	5,5	16,0
2003	508,4	135,9	372,5	19,8	5,3	14,5
2004	533,1	130,0	403,2	20,5	5,0	15,5
2005	538,0	139,0	399,0	20,5	5,3	15,2
2006	555,9	139,6	416,3	20,9	5,3	15,6
2007	603,7	140,1	463,6	22,4	5,2	17,2
2008	646,1	...	...	23,6	5,1	18,5
2009	649,7	130,7	519,0	23,4	4,8	18,6
2010	634810	138411	496399	22,4	4,9	17,5
2011	622835	143253	479582	21,4	4,9	16,5
2012	625106	145988	479118	24,1	4,9	19,2
2013	679519	145672	533847	22,6	4,9	17,7
2014	718036	149761	568275	23,5	4,9	18,6
2015	734141	152035	582106	23,6	4,9	18,7

Манба: Тўхлиев Н ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. Т.: 2006 й ва кейинга стат. маълумотлар.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. И.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. И.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналтиришга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. №2. 2016 йил. 16 январ.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мизийеевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналтиришга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил. 15 январ.
7. Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. Т: Меҳнат, 1998.
8. Абулқосимов Х. Ва бошқалар. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижа ва истиқбол йўналишлари. Биржа – эксперт журнали, 2013 й. №1-2, 32 -36 бетлар.
9. Набиев Х., Сайфулаев, Иқтисодий статистика. Т.: 2011.
10. Пардаев М.Қ., Шодиев Г.М., Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. СамКИ. 2001.
11. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий – ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. Т.: Ўзбекистон, 2011.
12. Ўзбекистон рақамларда -2014. Т.: Ўздавстатқўм., 2014.
13. Худайбердиев У. Иқтисодий статистика. Самарқанд, 2009.

14.Худайбердиев У. Оила бюджети. Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012

15.Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У., Пардаева О.М., Оилавий корхона иқтисодиёти. Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012

